

**«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Хурматли акциядорлар!

«DORI-DARMON» АК Кузатув кенгашининг 2020 йил 25 августдаги қарорига асосан Компания акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 17 сентябрь куни, Тошкент шаҳар, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган Компания мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади Умумий йиғилиш ўтказиш учун Компания акциядорлари реестри 2020 йил 13 сентябрь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: office@doridarmon.uz.

Кун тартиби:

- 1. Санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 2. Кузатув кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.**
- 3. “DORI-DARMON” АК бошқарувининг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.**
- 4. Тафтиш комиссиясининг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.**
- 5. “DORI-DARMON” АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.**
- 6. “DORI-DARMON” АК нинг 2019 йил якунлари бўйича зарарини кўриб чиқиш.**
- 7. “DORI-DARMON” АК нинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.**
- 8. “DORI-DARMON” АК нинг акциядори ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни компания ихтиёрида қолдириш.**
- 9. “DORI-DARMON” АК ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.**
- 10. “DORI-DARMON” АК кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**
- 11. “DORI-DARMON” АК тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.**
- 12. “DORI-DARMON” АК бошқарув раисини сайлаш.**
- 13. “DORI-DARMON” АК Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.**
- 14. “DORI-DARMON” АК да 2020 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.**

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган «DORI-DARMON» АК нинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Телефон: 78 120-38-28

Кузатув кенгаши